

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА БОШ КИЙИМЛАРИНИНГ ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИ

*Шомуродова Сунбула – 2-курс Адабиётшунослик(ўзбек) мутахассислиги
магистранти*

Ўзбек фолклоршунослигида халқ асарларида кийим-кечаклар магияси билан боғлиқ қарашларнинг бадий ифодасига хос хусусиятларни, унинг келиб чиқиш илдизларини махсус ўрганишга тўғри келади. Айниқса, бунда образлантирилаётган бош, тана, оёқ кийимларининг турларини, ҳар бирига хос рамзий-тимсолий маъноларни аниқлаш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбек халқ қўшиқларида оқ қалпоқ, оқ рўмол, оқ доқа рўмол, оқ телпак, қора телпак, қизил рўмол, сариқ рўмол, яшил салла, дўппи (каллапўш, тахия) ва бошқа бош кийимлари образи кўп учрайди. Улар, аввало, анъанавийлиги билан диққатни тортади ва турғун рамзий образлар сифатида гавдаланади. Кўпинча улар қўшиқларда рангга алоқадор турғун сифатлашли рамзий бирикмалар кўринишида учрайди ва ўзига хос рамзий маъно-мазмун ифодалаб келади.

Тимсолий бош кийимларнинг ранг воситасида фарқланишини билдириб келадиган оқ рўмол, оқ телпак, қора телпак, оқ қалпоқ, қизил рўмол, сариқ рўмол ва ҳоказо каби рамзий поэтик бирикмаларнинг аксарияти оилавий-маиший маросимларга тегишли ритуал предметлар эканлиги билан диққатни тортади.

Эрамиздан аввалги II мингинчи йилларда кишиларнинг кийими рангига қараб, уларни табақага ажратиш урфга айланган. Айтайлик, Хитой халқ оғзаки ижодининг қадимги қўшиқлар тўплами “Ши цзик” (Қўшиқ китоби)да айтилишича, энг яхши ранг – қизил бўлиб, у ҳукмдорларга хос ранг ҳисобланган. Қора ва сариқ ранглар оддий халқ учун хос бўлиб, уларнинг

кийиниш маданиятида шу этикод асосий ўрин тутган.¹ Шунингдек, бу ҳолни қадимги ўзбек халқи маданиятида ҳам кузатиш мумкин.

Халқимиз маданиятида дўппидўзлик санъат даражасига кўтарилган миллий ҳунармандчилик турларидан бирини ташкил қилади. Бу касб билан, асосан, аёллар уй шароитида шуғулланиб келишган. Ўтмишда аёллар шу касб билан ҳатто тирикчилик ўтказишган. Шу ҳақдаги кечинмаларини қўшиқларда ҳам ифодалаб келишган. Халқ дўппидўзлик қўшиқлари дўппидўзлик амалий ҳунари билан бирга пайдо бўлиб, ривожланиб борган. Улар халқ меҳнат қўшиқларининг бир тури бўлиб, ҳунармандчилик билан боғлиқ халқ қўшиқлари қаторидан ўрин тутган.

Дўппи тиксанг чилдирма,

Чўпу хасга илдирма.

Юртингни чиндан севсанг,

Душманингга билдирма.

Бу қўшиқ орқали, аввало, дўппининг бир неча турлари борлигини, “чилдирма дўппи” эса улардан бири эканлигини англаш мумкин. Қўшиқ мазмунидан эса халқнинг бош кийимларига этикодий муносабатда бўлиб келганлиги тушунилади. Дарҳақиқат, халқ бош кийимига ҳамиша давлат рамзи сифатида қараган. Одамнинг бош кийимига қараб унинг қайси мавқега эгалигини, жамиятдаги ўрнини, миллати ёки уруғини, мансаб-лавозимини фарқлашган. Жумладан, шоҳлар бошидаги тожи билан ҳукмдорлик мавқеида эканлиги билинса, миллатларнинг дўпписи ёки қалпоғига қараб ўзбекми, қozoқми, қирғизми, туркманми ва ҳоказо қайси миллат вакили эканлиги аниқланган.

¹ Мифы народного мира. – М.: Советская энциклопедия. II том. – С.78.

Боққа кирдим боқмоққа,

Гулни узиб тақмоққа.

Дўппи тикиб қон бўлдим,

Дайди сайди аҳмоққа.

Бош кийими – давлат рамзи бўлганлиги сабабли, уни тайёрловчилар ҳамиша яхши ниятни кўзлашган. Шу тайёр бўлаётган бош кийимни кийиб юрувчининг доим боши омон бўлиши ният қилинган. Айниқса, хотин-қизлар ўз ёрига дўппи тикар экан, қалбидаги илиқ туйғуларни, ўй-хаёлларини унга нақшлар билан муҳрлашган. Бу ҳолат халқ қўшиқларида ҳам таъкидланганини кузатиш мумкин:

Кўчаларингдан ўтай,

Хиёл-хиёл йўл солиб.

Қалпоғингни ман тикай,

Чин хаёлдан гул солиб.

Дўппи тикиш осон иш эмас. У нозик, зерикарли, толиқтирадиган иш. Шу сабабдан дўппидўз аёллар уни тикаётганда “қон бўлганини” дўппидўзлик қўшиқларида алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Қалпоқ тикдим зардўзи,

Кияди ёрнинг ўзи.

Кийсалар ёрнинг ўзи,

Куйдирар қошу кўзи.

Қалпоқ ҳам бош кийими турларидан бири. Юқоридаги қўшиқда унинг зардўзи тури образлантирилаётган бўлса, бошқа қўшиқларда тагловус дўппи, бахмал, кундал, шойи калапўшларнинг образлантирилгани кузатилади.

Эгаси дўппи ёки қалпоқни қандай кийганига қараб, унинг кайфиятини, руҳий ҳолатини ёхуд характер-хусусиятини билиб олса бўлади. Жумладан:

Ариқ бўйини ўйдим,

Дўппини ерга қўйдим.

Сен қўймасанг мен қўйдим.

Охир жонимдан тўйдим.

Бош кийимини ерга қўйиш халқимиз орасида ёмон ирим қилинади. Бу ҳолат айрилиққа сабаб бўлади, деб қаралади. Бош кийимининг ўрни доим юқорида бўлиши керак деб ҳисобланилади. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги қўшиқда севган ёридан айрилаётган, ундан воз кечаётган лирик қаҳрамон тилидан дўппининг атай ерга қўйилгани таъкидланмоқда.

Хуллас, қўшиқларда бош кийимларнинг халқимиз эътиқодий қарашлари, урф-одатлари асосида рамзий маъно-мазмун ифодалаб келиши, ўзига хос бадиий образлантирилган.